

**Давлат солиқ қўмитаси Раиси ўринбосари А.Файзибаевнинг  
2022 йил май ойи давомидаги фаолияти кўрсаткичлари  
юзасидан қисқартирилган**

**М А Ў Л У М О Т**

Бюджетга қўшимча маблағлар тушумларини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар натижасида 2022 йилнинг май ойида солиқ аудити бўйича **179,8 млрд.сўм**, камерал солиқ текширувлари бўйича **516,6 млрд.сўм** ва сайёр солиқ текширувлари бўйича **29,0 млрд.сўм** маблағларнинг тушуми таъминланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5252-сон қарорига асосан, “**Soliq**” мобил иловаси орқали:

**-711 644** нафар фуқаролар томонидан рўйхатдан ўтказилган **613 286 084 та** чекларга **69,9 млрд.сўмлик** кэш-бэк суммаси ҳисобланди;

- савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларининг бузилиш ҳолатлари бўйича келиб тушган мурожаатлар асосида **7 474 та** сайёр солиқ текширувлари яқунланиб, **29,0 млрд.сўм** молиявий жарима ундирилди;

**- 8 226** нафар мурожаат муаллифларига **6 109,0 млн.сўм** мукофот пуллари тўлаб берилди.